СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВНИ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 98 (4345).

19 МАЙ СЕШАНБА 1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.

ЗАВОДДА ТАНТАНА

Тошкентдаги тажриба-механика заводига 50 йил тўлди. Завод ярим асрдан бери Ильич номини шараф билан оқламоқда. Шу вақт мобайнида завод ўсиб-улгайиб аниқ техника, станоклар ва бошқа машина-ускуналар ишлаб чиқарувчи замонавий корхонага айланди. Завод барпо этилган дастлабки кунлардан бошлаб техника тараққиётини йўлга солиб, республика саноати учун индустриал кадрлар тайёрлаб келди. Заводнинг некса гвардияси кадр ишчилардан И. Г. Динников, Н. В. Моисеев, С. Ф. Чеботарев ва бошқа меҳнат ветеранлари заводни ривожлантиришда катта роль ўйнадилар.

Завод коллективининг шонли юбилейга бағишланиб, 16 майда ўтказилган тантанали йиғилишда мана шулар ҳақида гапирилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Е. С. Насриддинова йиғилиш аҳлининг гулдурос қарсаклари остида завод вакилларига Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғини топширди. Корхона меҳнатда эришган муваффақияти учун, эллик йиллиги муносабати билан шу ёрлиқ билан мукофотланган эди. Е. С. Насриддинова Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг завод коллективига табрикномасини ўқиб эшиттирди.

Завод директори В. Г. Кравченко корхона босиб ўтган меҳнат йўли тўғрисида доклад қилди. Шаҳар жамоатчилигининг вакиллари юбилярни самимий қутладилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Тошкент область партия Комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкент шаҳар партия Комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов ўртоқлар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ДАЪВАТИ

СССР Олий Советига сайловлар ўтказиладиган кун тобора яқинлашиб келмоқда. Бизнинг Олий Советимиз бутун совет жамиятининг, бепоён мамлакатимиздаги тенг ҳуқуқли барча халқлар манфаатларини ифода этувчи давлат ҳокимиятининг энг олий ваколат органидир. Сайлов ўтказувчи барча иттифоқдош республикаларда, шунингдек жонажон Ўзбекистонимизда ҳам Олий Совет депутатлигига халқимизнинг энг муносиб фарзандлари номзодлари кўрсатилмоқда.

Сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилаётган кунларда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг коммунизм бунёдкори бўлган улуғ совет халқига — ишчиларга, деҳқонларга, зиёлиларга, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчиларига, барча гражданларга Мурожаати эълон қилинди. Партиямиз ленинчи Марказий Комитетининг бу Мурожаати улкан сиёсий ҳужжат бўлиб, барча совет кишиларини янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантириб юборди.

СССР Олий Советига бўладиган бу йилги сайловлар ажойиб кунларда ўтказилмоқда. Яқинда Совет Иттифоқи меҳнаткашлари, бутун дунёдаги прогрессив инсоният доҳийси Владимир Ильич Ленин таваллудининг 100 йиллигини кенг ва тантанали равишда нишонладилар. Сеҳрли устозимиз В. И. Ленин йилдан жаҳон афкор оммасининг интернационал байрамига, барча революцион кучларнинг ва социализм муваффақиятларининг жанговар кўригига айланди.

Шунингдек совет кишилари, қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари, ер юзидаги барча тинчликсевар инсоният баҳор байрами 1-Майни, фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг йигирма беш йиллигини шоду-хуррамлик билан байрам қилдилар. Буюк Ленин раҳбарлигида, Коммунистик партия раҳнамолигида бунёд этилган социалистик тузумни енга оладиган куч жаҳонда йўқ. Тарих бир неча бор бунинг гувоҳи бўлди.

СССР Олий Советига ўтказилган аввалги сайловлардан буён тўрт йил ўтди. Бу давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодини янада ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини юксалтириш, давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва совет халқининг турмуш даражасини оширишда улкан ютуқлар қўлга киритилди. «КЕЙИНГИ САЙЛОВДАН БЕРИ ЎТГАН ЙИЛЛАР ПАРТИЯ XXIII СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН БУТУН ХАЛҚ КУРАШИ БЕЛГИСИ ОСТИДА ЎТДИ»,— дейилади КПСС Марказий Комитети Мурожаатида.

Ленин юбилейи йилида бўлаётган сайлов кампанияси даврида зафарлар қучаётган совет кишиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат кўтаринкилиги янада жўш урди. Беш йиллик планларни муддатидан илгари бажариш, коммунизм қуришдан иборат муқаддас ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш йўлидаги интилиш ҳаракати тобора кучайиб кетди.

Беш йиллик сўнгги йилининг дастлабки ойларида саноатчиларимиз қувончли меҳнат ғалабаларига эришдилар. Улар квартал планларини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлдилар. Пландан ташқари бир неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Кейинги кунларда Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводи, Тошкентдаги «Қизил тонг» фирмаси, Чирчиқ электрохимия комбинати ҳамда қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати коллективлари юбилей меҳнат вахтасини давом эттириб, беш йиллик вазифаларини муддатидан олдин бажариш юзасидан янги ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар. Бу қимматли ташаббус республикамиз саноат корхоналари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Қишлоқ хўжалигимиз ходимлари ҳам Ленин юбилейи йилида ўзгача ғайрат, ўзгача матонат билан тер тўкмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги экинларининг барча турларидан мўл ҳосил етиштириш азамат деҳқонларимизнинг жанговар шиори бўлиб қолди. Донгдор пахтакорларимиз бу йил 4 миллион 100 минг тонналик «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳду-паймон қилганлар. Областимиз пахтакорлари ҳам бу улкан хирмонга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун деҳқончилик маданиятини тобора оширмоқдалар, пахтачиликни кенг миқёсда химиялаш ва механизациялаш йўлидан бормоқдалар. КПСС Марказий Комитети Мурожаатида қишлоқ хўжалиги ходимларига қарата бундай дейилади: «СОВЕТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ БУНДАН БУЁН ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖ ТОПА БЕРИШИДАН, АҲОЛИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИГА, САНОАТНИНГ ЭСА ҲОМ АШЁГА ЎСИБ БОРАЁТГАН ТАЛАБИ ТЎЛИҚРОҚ ҚОНДИРИЛА БЕРИШИДАН БУТУН ХАЛҚ, ПАРТИЯ НИҲОЯТ ДАРАЖАДА МАНФААТДОРДИР. СИЗ, ЎРТОҚ САЙЛОВЧИЛАР, КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИНИНГ НОМЗОДЛАРИ ЎЗИНГ ОВОЗ БЕРИБ, ШУ БИЛАН СОЦИАЛИСТИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИМИЗНИ ЯНАДА ЯШНАТИШ УЧУН ОВОЗ БЕРГАН БЎЛАСИЗ!».

1970 йил — Беш йилликнинг якунловчи йили, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXIV съезди бўладиган йилдир. Съезд янги муҳим қарорлар қабул қилади, социалистик жамиятимизнинг бундан буёнги ривожланиш йўлларини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитетн атрофига тобора маҳкамроқ жипслашмоқдалар, порлоқ коммунистик жамият қуриш йўлида янги-янги зафарларга эришмоқдалар. Бу билан улар ўзларининг жонажон партияларига чексиз ишонганликларини изҳор қилмоқдалар.

Жонажон Коммунистик партиямиз ўз Мурожаатида совет халқини — барча сайловчиларни СССР Олий Советига сайловлар бўладиган кун — 14 июнда коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беришга чақиради. Мурожаатда бўлажак сайловлар совет жамиятининг енгилмас бирлигини, халқларимиз ленинча дўстлигининг буюк кучини, меҳнаткашларнинг партиямиз ва Совет ҳукуматига бўлган меҳру-муҳаббатини яна бир карра намойиш қилади, деб ишонч билдирилади.

КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ БАРЧА АЪЗОЛАРИГА — СОВЕТ ИТТИФОҚИДАГИ ИШЧИЛАР, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАР, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТЧИЛАРИ, ХИЗМАТЧИЛАР, ФАН, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИГА

БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИНИНГ

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

1970 йил 14 июнда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига сайлов ўтказилади.

Совет давлатининг олий ҳокимият органига сайлов мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ва муҳим воқеадир.

Россия ишчилар синфининг самодержавие ва капиталга қарши жанг барриқадаларида вужудга келган меҳнаткашлар депутатлари умумхалқ ташкилоти бўлиб қолди, халқ бирлигини, давлатни бошқаришда миллионларча ишчилар, колхозчилар, хизматчилар, зиёлиларнинг фаол иштирокини мужассамлаштирди.

СССР Олий Советига яқинда ўтказиладиган сайлов алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу сайлов юбилей йилида, совет халқи Маркс, Энгельс революцион таълимотининг давомчиси, Коммунистик партиянинг асосчиси, жаҳонда биринчи социалистик давлат бунёдкори, халқаро ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг йўлбошчиси В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини тантанали вазиятда нишонлаган бир пайтда ўтади. Улуғ Ленин юбилейи бутун тараққийпарвар инсониятнинг жаҳоншумул тарихий байрами, В. Н. Ленин ўлмас ғоялари тантанасининг, бу ғоялар зафарли куч тантанасининг намойиши бўлиб қолди.

Совет кишиларининг ўз йўлбошчиси ва устозига чексиз муҳаббати, Ильичнинг улуғ васиятларига қатъий садоқати беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган умумхалқ социалистик мусобақасида, оммаларнинг меҳнат ғайрати мисли-сиз ўсганлигида, миллион-миллион меҳнаткашларнинг Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбаликда актив қатнашганлигида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Бизнинг мамлакатимиз, қардош социализм мамлакатлари, бутун тараққийпарвар инсоният яқинда фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллигини нишонладилар. Ана шу халқ жасоратининг шуҳрати ҳеч қачон сўнмайди. Бу жасорат бутун инсониятга совет кишиларининг қаҳрамонлиги ва мардлигини, социалистик тузумнинг, СССР халқлари дўстлигининг енгилмас кучини кўрсатди.

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР! Ҳар биримиз сайловга тайёрланар эканмиз, СССР Олий Советига илгари ўтказилган сайлов вақтидан буён Совет Иттифоқи босиб ўтган тўрт йиллик йўлга фикран назар соламиз. Улуғ Советлар мамлакатининг «Ишчиларига, деҳқонларига, совет зиёлиларига, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчиларига, барча гражданларига» КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатида ўтган тўрт йил мобайнида қилинган бунёдкорлик меҳнатининг якунлари ҳар томонлама ёритиб берилди, коммунистик қурилиш планларини амалга оширишда совет халқи олдида турган вазифалар белгилаб берилди. СССРнинг барча меҳнаткашлари каби Совет Касаба союзлари ҳам жонажон Коммунистик партиянинг мурожаатини тамомила қўллаб-қувватламоқдалар.

СССР Олий Советига илгари ўтказилган сайлов вақтидан буён ўтган йиллар КПСС XXIII съезди қарорларини муваффақиятли бажариш йиллари бўлди. Ишчилар, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, совет зиёлилари, мамлакатнинг барча меҳнаткашлари ленинчи Коммунистик партия раҳбарлигида беш йиллик план топшириқларини бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилдилар. Совет халқининг, аввало, унинг етакчи революцион ва бунёдкор кучи бўлмиш ишчилар синфининг қаҳрамонона меҳнати туфайли мамлакат экономикасини ривожлантиришда, фан ва маданиятни янада юксалтиришда, Совет Иттифоқи аҳолисининг турмуш даражасини оширишда, Ватаннинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда анча катта муваффақиятларга эришилди.

Тўрт йил мобайнида меҳнаткашларнинг реал даромадлари аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 26 процент кўпайди. Бу эса КПСС XXIII съездининг беш йиллик план ҳақидаги директивларида шу йиллар учун кўзда тутилган ўсиш суръатларидан анча ортиқ бўлди. Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи ортди. Отпускалар муддати кўпайтирилди. Уй-жой қурилиши ҳажмлари йил сайин кенгайиб бормоқда. 1969 йилнинг бир ўзидагина жами 102,5 миллион квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланиш учун топширилди, 11 миллионга яқин киши янги уйларга кўчиб кирди, шунингдек ўзининг уй-жой шароитини яхшилаб олди.

Бепул ўқиш, медицина хизмати, пенсиялар, нафақалар тўлаш, социал таъминот ва социал страхованиенинг бошқа турлари, стипендиялар тўлаш, санаторийлар ва дам олиш уйларига бепул ёки имтиёзли йўлланмалар бериш учун мўлжалланган иқтимоий истеъмол фондлари тўхтовсиз ортиб бормоқда. Тўрт йил ичида иқтимоий фондлардан аҳолига тўланган пул ва берилган имтиёзлар 41,9 миллиард сўмдан 59 миллиард сўмгача кўпайди. Шу давр ичида ишчилар, колхозчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларидан 65 миллион киши шифохонада даволанди ва дам олди. Бу йил барча колхозчилар социал страхованиесининг гарантияланган ягона умумдавлат системасини вужудга келтириш ишлари тамомила тугалланди.

Давлат ишчиларнинг меҳнат шароитларини соғломлаштириш ва яхшилаш чораларини оғишмай, тобора кенг кўламда амалга оширмоқда. 1969 йилда шу мақсад учун 1965 йилдагига нисбатан 44 процент кўпроқ маблағ сарфланди.

Капитализм мамлакатларида пролетариатни эксплуатация қилиш кучайиб, доимий ишсизлик авж олиб бораётган, миллионларча кишилар оч ва қашшоқ яшаётган бир пайтда, бизнинг мамлакатимизда социалистик ижтимоий тузум меҳнаткашларнинг бунёдкорлик меҳнати, маданий ва маънавий юксалиши, моддий фаровонлигини доим ошира бориши учун шарт-шароит яратиб берди.

Бу муваффақиятлар — КПСС XXIII съезди ва Марказий Комитетнинг шундан кейинги пленумлари белгилаган партия сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш натижасидир.

Коммунистик партия Совет касаба союзлари тўғрисида доим гамхўрлик қилмоқда. Совет касаба союзлари партия раҳбарлигида Ленин васиятларини муваффақиятли бажармоқдалар, амалда коммунизм мактаби, хўжалик юритиш мактаби бўлиб қолдилар. Коммунизм қурилиши жараёнида касаба союзларининг ҳуқуқлари кенгаймоқда, уларнинг халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этишдаги роли кучайиб бормоқда.

Ўтган тўрт йил мобайнида Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги обрўси янада ўсди. Коммунистик партия ва Совет давлати ўтказиб келаётган ленинча ташқи тинчликсеварлик сиёсати, советлар мамлакатининг ўз интернационал бурчини оғишмай бажарётганлиги, халқларнинг империализм зулмидан озод бўлиш учун олиб бораётган курашини бегараз қўллаб-қувватлаётганлиги — буларнинг ҳаммаси СССР ни тараққийпарвар инсониятнинг самимий иззат-ҳурматига сазовор қилди. Совет халқи ўзининг интернационал бурчини муқаддас билиб бажариш билан қаҳрамон вьетнам халқига, араб мамлакатлари халқларига ҳар томонлама ёрдам бермоқда, империализм ҳамда реакцияга қарши кураш олиб бораётган барча халқларга ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Халқлар бизнинг мамлакатимизни эксплуатация ва зулмга қарши, тинчлик ва озодлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёти учун ҳаққоний курашда буюк ўрнак ва мустаҳкам таянч деб биладилар.

Советлар мамлакати ҳамиша озодлик, демократия ва социализмнинг содиқ ҳимоячиси, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун изчил курашчи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади!

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР! Мамлакатимизда коммунизм қурилиши соҳасида эришилган буюк муваффақиятлар бундан буён олға ҳаракат қилиб боришимиз учун асос бўлиб хизмат қилади. Бизнинг олдимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш соҳасида буюк вазифалар турибди. Ҳар бир ишчи, колхозчи, ҳар бир инженер, ҳар бир олим бу вазифаларни ҳозирги кунда ва келгусида ҳал этиши лозим. Миллионларнинг меҳнати ва фақат меҳнатигина бойликларни вужудга келтиради. Ана шу бойлик бўлмаса, социалистик ватанимиз ўсиб, ривожлана олмайди.

Бутуниттифоқ Касаба союзлари Марказий Совети касаба союзларининг барча аъзоларини Ленин юбилейига тайёргарлик ва бу юбилейни ўтказиш давридa қўлга киритилган меҳнат зафарларини мустаҳкамлашга, юбилей йили охиригача ленинча меҳнат вахтасини давом эттиришга қарор берган илғор коллективларнинг ташаббусини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва ёйишга, социалистик мусобақани, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини янада зўр ғайрат билан ривожлантиришга, беш йиллик планни муддатидан илгари бажаришга даъват этади. КПСС Марказий Комитетининг 1969 йил декабрь пленуми ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва халқ хўжалигини тараққий эттириш суръатларини жадаллаштириш юзасидан иш программасини белгилаб берди. Бутун куч-ғайратини пленум қарорларини амалга оширишга сафарбар қилиш, ишлаб чиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланишга эришиш, меҳнат унумдорлигини кун сайин ошира бориш, катта ва кичик ишда тежамкорликка риоя қилиш, меҳнат интизоми ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, ҳар бир кишининг топширилган иш учун жавобгарлигини ошириш — ҳар бир ишчи, инженер, техникнинг, ҳар бир хизматчининг бурчидир.

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР! Совет Иттифоқи халқлари СССР Олий Советига сайловни коммунистлар билан партиясизларнинг ягона блокида қутиб олмоқдалар, халқимизнинг улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлдан комил ишонч билан олға бошлаб бораётган жонажон Коммунистик партияга ва унинг Марказий Комитетига меҳнаткашларнинг чексиз ишончини намойиш қиладилар. СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш гоят баланд руҳ билан ўтди. Меҳнаткашлар депутатликка номзод қилиб кўрсатган ва мамлакатнинг ички ҳаёти ҳамда унинг ташқи сиёсатига доир масалаларни ҳал этишни ишониб топширган кишилар орасида совет жамияти барча табақаларининг, барча миллатларнинг вакиллари бор. Социализм шароитидагина халқнинг ўзи ўз мамлакатининг чинакам эгаси бўлиб, давлат ҳокимиятини амалга оширади.

Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ўртоқлар сизларни, ишчиларни, инженер-техник ходимларни, хизматчиларни, қишлоқ хўжалик меҳнатчилари, фан, маданият ва санъат арбобларини, сайловда актив қатнашишга ва коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларини ижодийлик билан ёқлаб овоз беришга даъват этади.

Советлар мамлакатининг шонли қаҳрамон ишчилар синфи, барча меҳнаткашлари коммунистлар билан партиясизлар бузилмас иттифоқи номзодларини ёқлаб овоз бериш билан ленинча Коммунистик партия ва Совет Ҳукумати теварагига маҳкам жипслашганликларини, коммунистик жамият қурилишида янада катта муваффақиятларга эришмоқ учун фидокорона кураш олиб боришга тайёр эканликларини намойиш қиладилар.

ҲАММА САЙЛОВГА! Ватанимизнинг муносиб ўғил ва қизлари — коммунистлар билан партиясизлар ленинча блокининг номзодлари учун овоз берайлик!

Яшасин партия ва халқнинг бузилмас буюк бирлиги!

Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва бахт-саодати қалъаси, тинчлик ва тараққиётнинг мустаҳкам таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин Коммунистик жамият қураётган қаҳрамон совет халқи!

Яшасин совет халқини Ленин йўлидан комил ишонч билан коммунизм ғалабаси сари бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент область партия комитетининг X пленуми бўлиб ўтди. Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов «КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия мажлисларини ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қарорини бажаришнинг бориши» тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари О. С. Соқиев, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи 31-цехи партия ташкилотининг секретари М. М. Муҳамедов, Ўрта Чирчиқ районидаги Тошкент от заводи партия ташкилоти секретарининг ўринбосари С. Р. Медешев, Ўзбекистон ЛКСМ область комитетининг биринчи секретари О. У. Исҳоқов, В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати қўрғошин-руҳ бойитиш фабрикаси катта фильтрловчиси Е. П. Сичева, Калинин район партия комитетининг иккинчи секретари И. Я. Деревянко, Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси партия комитетининг секретари Т. Аҳоров, Оққўрғон районидаги Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари К. Т. Коғай ўртоқлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон КП область комитетининг иккинчи секретари Б. М. Истомин Ўзбекистон КП область комитети VIII пленумининг «КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми (1969 йил), колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини бажаришнинг боришн ҳақида ахборот берди.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

П. В. Кострикова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Пленум З. Х. Хўжаевни область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб сайлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов қатнашди.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети бюроси ва область ижроия комитети 1970 йилнинг биринчи кварталида чорвачиликни ривожлантиришда энг яхши кўрсаткичларга эришганликлари ва социалистик мусобақада яхши натижаларни қўлга киритганликлари учун область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини Оққўрғон районидаги «Заря коммунизма» колхозига (раиси В. А. Хан, партия ташкилотининг секретари Қ. Першеев, зоотехник В. Ким) ва Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозига (директори Р. Қамбаров, партия ташкилотининг секретари Т. Мелибоева, ишчилар комитетининг раиси М. Абдуллаев, бош зоотехник Н. П. Николаева) бердилар.

Шунингдек Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози, Янгийўл районидаги Чиноз наслчилик совхоз-техникуми чорвадорларининг ҳам яхши ишлаганликлари қайд қилиб ўтилди.

Кўчма Қизил байроқларни хўжаликларнинг вакилларига область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Э. Т. Шайхов топширди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОММУНИСТНИНГ ТАНҚИДИЙ ФИКРИ

Олдинига ҳеч кимдан садо чиқмади. Раислик қилувчи залга юзланганича бир зум тик туриб қолди. Сўнг бояги саволни яна такрорлади.

— Қани, музокарага ким биринчи бўлиб чиқади?

Тўртинчи қаторда ўтирган Турдиали ака орқа томонга бир назар ташлаб қўйди-да, кейин қўл кўтарди. Шивир-шивир дарров тинди. Ҳамма яна минбарга кўз тикди.

Турдиали Тулесбоев бир неча йилдан бери колхознинг 6-участкаси коммунистларига бошчилик қилиб келяпти. Иши ҳам бор, гапда ҳам. Йиғилишларда сўзга чиқса, бажарилмаётган ишларга ҳаммасининг эътиборини тортади, мақтанишни ёқтирмайди.

Бу гал ҳам сўзини вазифалардан бошлади. Ҳеч кимнинг эсига келмаган гапларни айтди.

— Ким айта олади, комсомолларимиз сони нечта? — деди у залдагиларга мурожаат қилиб. — Менингча, комсомол ташкилотининг секретари ҳам буни аниқ билмаса керак, чунки сўнгги пайтларда ёшлар қўнимсизлиги кучайиб кетди. Пировардида комсомолларнинг ишлаб чиқаришдаги роли мутлақо сезилмай қолди. Ёшларни бир ерга қовуштириб уларга йўл-йўриқлар бериш, ташаббускорликни ошириш ҳақида биз кам ўйлаяпмиз.

7-участка партия ташкилотининг секретари Қолдибой Айтбоев Турдиали ака бошлаган гапни давом эттирди.

— Маданий-маиший шароитнинг йўқлиги учун ҳам ёшларимиз ҳар томонга тарқаб кетяпти, — деди у, — мавжуд аҳвол комсомол ташкилоти секретарини ҳам, коммунистларни ҳам ташвишга солиши, бугунги партия йиғилиши бу борада бамаслаҳат бир қарор қабул қилиши лозим.

Колхоз партия комитетининг секретари Григорий Борисович йиғилишдан сўнг ўз кабинетида узоқ ўтириб қолди. Коммунистлар ҳақ гапни айтишди. Ҳақиқатан ҳам комсомол ташкилотининг секретари Трофим Тхай сўнгги пайтларда ишни ўз ҳолига ташлаб юборди, ўйларди у. Ойда-йилда бўладиган комсомол йиғилишлари ҳам хўжакўрсинга чақирилади. Гўё ҳамма иш бир маромда бораётгандай ҳеч ким танқиддан оғиз очмайди. Навбатдаги партия бюроси йиғилишида комсомол ташкилоти секретарининг ҳисоботини бир тингламоқ керак.

Григорий Борисович календарь варағига шошма-пиша алланималарни ёзди-да, тез ўрнидан туриб стол устидаги сигаретга қўл узатди. Чамаси бу қарор ўзига маъқул тушган эди. Эртага бюро аъзолари билан бу ҳақда маслаҳатлашиб олиш керак.

Орадан икки-уч кун ўтмай, партком секретари Г. Югай комсомол ташкилоти секретари Т. Тхайни ўз ҳузурига таклиф этди.

— Келгуси ҳафтанинг душанбасида партбюро йиғилишида сизнинг ҳисоботингиз эшитилади. Марҳамат қилиб тайёргарлик кўраверинг.

Бюро йиғилиши қизғин ўтди. Т. Тхай ҳисоботи жуда ҳам қисқа бўлган эди. Бажарилган иш кам бўлгандан кейин нимани ҳам гапиради у? Бюро аъзолари комсомол ташкилоти секретари фаолиятини ҳар томонлама анализ қилиб уни бу лавозимдан олишга қарор қилдилар. Ўрнига ёш коммунист Герман Пак тайинланди. Цех комсомол ташкилотлари секретарларидан ҳам икки киши ўзгартирилди. 3-участкада янгидан цех комсомол ташкилоти тузишга қарор қилинди. Комсомод ишига партком секретарининг ўринбосари Ли Чен Ен бириктириб қўйилди.

Бюро йиғилишининг қарори ўша куниёқ кучга кирди. Ли Чен Ен Герман Пак билан бамаслаҳат барча комсомол аъзоларининг рўйхатини тузиб чиқди. Ҳисоблаб қарашса, 350 дан ортиқ комсомол бор экан колхозда. Тезда комсомолларнинг дастлабки йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда биринчи навбатда қилинадиган ишлар программаси белгилаб олинди.

Энг олдин комсомол ўқувини йўлга қўйишга қарор қилинди. Колхоз бош инженери Леонид Ким билан мактаб ўқитувчилари комсомол маорифи тўрагига пропагандист қилиб тайинланди. Шу куниёқ 25 кишидан иборат комсомол-ёшлар бригадаси тузилиб, унга Борис Ким раҳбар қилиб сайланди.

Шу-шу комсомол ишлари колхозда жонланиб кетди. Орадан бироз ўтгач футбол, волейбол, баскетбол командалари тузилди. Ишдан сўнг ҳар хил мусобақалар, учрашувлар ўтказиладиган бўлди. Колхоз партия ташкилоти правление олдига маданий-маиший объектлар қурилишини тезлаштириш масаласини қўйгач ишлар яна ҳам юришиб кетди. Тезда ёзги кинотеатр биноси тўла фойдаланишга топширилди, колхознинг уч жойида клуб, дала шийпонлари қурилди.

Бу йил ҳам колхозда маданий-маиший объектлар қурилиши жадал давом эттирилмоқда. 3 ва 4-участкаларда ҳар бири 200 ўринли клуб биноларини қуриш давом этяпти. 24 та бригаданинг ҳаммаси бу йил ўз дала шийпонига эга бўлади.


Шунисн қувончлики, бу қурилишларда ёшлар алоҳида ғайрат кўрсатишяпти. Ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатаётган, меҳнатга ижодий ёндошаётган ёшлар бирин-кетин партия сафига қабул қилиняпти. Бу йил Рашид Кабиров, Мусақул Сатторов, Абдурасул Мирзоидов, Мусулмонқул Пўлатов ўртоқлар КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Яна олти киши партияга кириш учун тайёрланяпти. Уларга билдирилаётган ишонч ижодий активликларини янада оширмоқда.

Колхоз аҳли бу йил 1780 гектар ерга пахта, 1373 гектар ерга каноп экиан. Бу майдонлардан салкам 6 минг тонна пахта ва 25 минг тонна каноп толси йиғиб олинади. Куз хирмонига заминни улар шу кундан бошлаб тайёрламоқдалар. Яшил квадратли майдоиларда бугун иш қизғин. Анатолий Кан бошлиқ бригада аъзолари, Ултой Исаева, Чун Ок Ким каби коммунистлар ёшларни ўз ёнларига олиб ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Ёшлар иштироки билан барча дала шийпонлари шиор ва плакатлар, кўчма кутубхоналар билан жиҳозланмоқда.

Танқиддан тўғри хулоса чиқариш қандай самаралар келтираётганлигини энди ҳамма ўз кўзи билан кўриб турибди. Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози партия комитети ҳар бир коммунистни бундан буён ҳам қўлга киритилаётган муваффақиятларга доимо танқидий назар билан қарашга, ички резервлардан унумли фойдаланишга даъват этяпти.

Ж. НОСИРОВ.



Сиз бу суратда. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг бўлажак ўн уч қаватли асосий ўқув корпуси қурилишини кўриб турибсиз. Бу ерда «Главташкентстрой»га қарашли 7-қурилиш бошқармасининг 6-трести коллективи бунёдкорлик ишларини олиб бораяпти.

А. ОДИЛОВ фотоси.

ФАКУЛЬТЕТ ЮБИЛЕЙИ

Республикамизнинг химия ва озиқ-овқат саноатининг турли тармоқларида фаол меҳнат қилаётган инженер кадрлар орасида Тошкент политехника институти химия-технология факультетини битирган малакали мутахассислар ҳам анчагина. Мутахассис кадрлар ўчоғи бўлган бу факультет иш бошлаганига 30 йил бўлди.

Ўтган шу давр мобайнида факультет ўсди, кенгайди. Профессор-ўқитувчи кадрлар составн таниқли олимлар ҳисобига бойиди.

Бу сана катта тайёргарлик билан кутиб олинди. Юбилей арафасида профессор Х. Рустамовнинг «Умумий химия» номли дарслиги қайта нашр этилди. Ф. Тожиев ва Х. Абдуразоқоваларнинг монографиялари босмага берилди.

«Факультетнинг 30 йиллиги» деб аталган катта стенд ҳам ташкил этилди. Унда факультетнинг босиб ўтган йўли ҳикоя қилинди.

ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧА

Яқинда мактабимизда «Қаҳрамонлар номи абадий яшайди» деган мавзуда комсомолёшлар кечаси бўлиб ўтди. Кечага Улуғ Ватан урушн қатнашчилари, ҳозирда 1-«Тошкент» «совхозида меҳнат қилаётган Нозим Эшонов, Алижон Умаров, Мажид Розиқов, Юрий Шимко ўртоқлар таклиф этилди. Улар ёшларга фронт лавҳаларидан сўзлаб беришди. Пировардида бахтимиз учун курашган бу кишиларни мактабнинг Фахрий пионерлигига қабул этдик.

Кечада «Қаҳрамонларни шарафлаймиз» деган темада ўтказилган мушоирада «Баҳор» ва «Табассум» командаларининг ўткир зеҳнлилари иштирок этишди. Қизғин ва дўстона тортишув 55:53 ҳисоби билан «Баҳор» командаси фойдасига ҳал бўлди. Куй ва қўшиқлар, шеърхонлик билан якунланган кечамиз кўпчиликка манзур бўлди.

Ш. САЙФИДДИНОВ,
Калинин районидаги 2-мактаб комсомол комитетининг секретари.

ҚУРИЛИШЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

Пойтахтимизнинг Болгар огороди массиви йил сайин кўркамлашиб боряпти. Бу ерда қад кўтараётган иморатларнинг ниҳояси кўринмайди. Яқинда Манжара кўчасида янги ошхона қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилди. Ошхона бирйўла 70 кишига хизмат қила олади. Шу ерда буфет ҳам ишлаб турибди.

Ленин районидаги Помир ва «Қизил арват» кўчалари туташган жойда эса озиқ-овқат магазини ишга туширилди. Магазин коллективи хизматидан ён-атрофдаги аҳоли мамнун.

И. РУСТАМОВ.

ТАШАББУСКОР КОЛЛЕКТИВ

Шўх Чирчиқ дарёси бўйига жойлашган бу корхонага борганимда ҳар гал ҳаяжонланаман. Қандайдир ширин туйғулар вужудимни қамраб олади. Чунки қачон келмай, албатта бир янгиликнинг устидан чиқаман. Бу гал ҳам истисно бўлмади. Комбинат дарвозасидан кираверишдаги ўнг томонда турган катта тахтага коллектив зиммасига олган янги мажбурият тексти осиғлиқ турар эди.

Унга кўз югуртираман. Металлургларда жуда катта марраларни белгилашибди. Ташаббускор ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар беш йиллик планни 1 декабргача бажариш ва қўшимча бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишибди. Меҳнат унумдорлигини 30 процент кўтариш, маҳсулот сифатини яхшилаш, кўплаб рационализаторлик таклифларини жорий қилиш тадбирларини белгилашибди.

— Мажбуриятни қабул қилишдан олдин уни барча участкалар ва цехларда аксарият ишчи-хизматчилар иштирокида атрофлича муҳокама қилдик, — дейди Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати меҳнат ва маош бўлимининг бошлиғи Юрий Михайлович Ильяров. — Мавжуд резервлар ва имкониятларни ҳисоблаб чиқдик. Шу муносабат билан ҳар бир ишчи, бригада, цех коллективи олдида турган вазифалар аниқ белгиланди. Бўлиб ўтган корхона партия ҳўжалик актнви йиғилишида мажбуриятни қабул қилдик.

— Бизнинг бу ташаббусимиз юксак тақдирланди — дейди, у. — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ташаббусимизни маъқуллади ва уни оммалаштиришга қарор қилди. Бу корхонамизнинг барча ишчи-хизматчиларини беҳад қувонтирди. Айни вақтда масъулиятимиз ҳам ошди. Эндилик да ҳар бир металлургнинг ғайрат-шижоати, ақл-заковати эл-юрт олдида берилган ана шу ваъданинг тўла уддасидан чиқишга қаратилган. Мажбуриятни бажаришга муносиб ҳисса қўшиш коллективимиз ҳар бир аъзосининг шарафли бурчи бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ҳозир қайси цех ёки участкада бўлманг, кўтаринки руҳ билан қилинаётган фидокорона меҳнатнинг гувоҳи бўласиз...

Юрий Михайлович жуда тўғри гапирган эди. Цехларни айланар экаимиз, бунга қаноат ҳосил қилдик. Ҳамма бутун вужуди билан ишга берилган. Металлургларнинг чаққон ва эпчил ҳаракатлари, мураккаб агрегатларни моҳирона бошқаришлари кишига завқ бағишлайди. Турли-туман агрегатларнинг юраги бир меёрда депсиниб турибди. Улар узра ўтиб, чўзилиб ингичкалашиб ғалтакларга ўралаётган вольфрам, молибден симлари ажиб товланади...

Корхона цехларида беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун тобора авж олаётган социалистик мусобақа меҳнатда юксак муваффақиятларга эришишнинг омили бўляпти. Коллектив мусобақанинг ажойиб қудратидан самарали фойдаланмоқда. Мусобақа натижалари ҳар ойда бир марта якунланиб турилади. Илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Цехлараро бораётган ўзаро мусобақада 5-цех коллективи ғолиблик қилмоқда. Цех ишчи-хизматчилари мавжуд асбоб-ускуналар қувватидан ва иш вақтидан унумли фойдаланишяпти. Ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибаси муттасил оммалаштирилади. Бу ерда меҳнат пухта ташкил этилган. Ҳар бир металлургнинг унумли ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Шунинг учун ҳам цех коллективи ўтган йили етти марта мукофотли ўринни эгаллади. Шу йилнинг ўтган ойларида ҳам бир неча бор пешқадамлар сафида турди. 4, 7, 10, 16-цехлар ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳам давлат планларини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Бу илғорлар комбинат бўйича шу йилнинг тўрт ойлик топшириғининг, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига олинган социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли адо этилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Коллективнинг улуг доҳий юбилейи шарафига авж олган социалистик мусобақада эришган ютуқлари юксак баҳоланди. Комбинатга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ҳамда Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг Ленин юбилейи Фахрий ёрлиғи берилди.

Металлургларг ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан юксалтиришга эришмоқдалар. Ҳозирги вақтда корхонада материаллар ва ҳом ашё тежаб-тергаб сарфлаш юзасидан кураш қизиб бормоқда. Барча инженер-техник ходимлар, ишчи ва хизматчилар бу ишда фаол қатнашмоқдалар. Давлат маблағларини иқтисод қилиш имконини берувчи ҳамма омиллардан ишнинг кўзини билиб фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Шу туфайли ҳам ҳар ойда кўплаб материаллар ва хом ашё тежаб қолиняпти. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида пландагидан ташқари деярли 1,5 миллион сўмлик фойда олинганлигининг боиси ҳам шунда. Корхона новаторлари тежамкорликда актив қатнашмоқдалар. Фақат-гина ўтган йили улар томонидан тушган рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини амалга ошириш билан 542 минг сўмлик иқтисодий самара олинди.

Комбинат коллективи ҳар доим ваъдасига вафо қилиб келган. Ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муттасил зиёдаси билан бажариш металлургларнинг одати бўлиб қолган. «Ваъда бердингми, уни бажар!» — ишчи-хизматчиларнинг асосий шиори бу. Улар янги мажбуриятларини ҳам шараф билан бажарадилар. Бу олижаноб ҳаракатда меҳнатсеварларга катта-катта муваффақиятлар тилаймиз.

М. МАҲМУДОВ.

ҚЎЛИ ГУЛ ЧЕВАРЛАР

Тошкент устки трикотаж кийимлар фабрикаси коллективи ўтган йил топшириқларини 12 декабрда бажариб, планга қўшимча 438 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришган эди.

Юбилей йилининг дастабки тўрт ойлик топшириғи ҳам 119 минг сўмлик ошириб адо этилди. Корхонанинг биринчи тўқув цехида хотин-қизлар, болалар ва эркакларнинг жемпер, свитер, жакет ва костюмларининг асосий қисми тўқилади. Тўқувчиликнинг энг нозик сирларини эгаллаган пешқадамларни шу цехда учратасиз.

Бир йўла икки дастгоҳни бошқараётган Ҳолида Нортожиевани фабрикага келганига саккиз йил бўлди. Цехда Ҳолидага ўхшаган меҳнатсевар қизлар жуда кўп. Гулсара Хайруллина, Сабоҳат Тошматова ва бошқа кўпгина машъаллар смена топшириқларини 160-170 процентдан адо этиб, ҳозир 1971 йилнинг охирги ойлари ҳисобига ишламоқдалар.

Иккинчи тўқув цехида эса юбилей йилидан бошлаб янги технология жорий этилди. Чехословакия тўқув машиналаридан 33 таси ўрнатилиб, бир қанча янги полотнолар тўқиш имконияти яратилди. Шу билан фабрикада тайёрланаётган маҳсулотлар қаторига тоза шерсть, синтетика ва ипдан тўқилган аёллар, эркаклар ва болаларнинг янги, ҳар хил қўйлак, костюм ва шарфлари ҳам қўшилди.

Фабриканинг юраги ҳисобланган тўқув цехини Зироат Нажимова бошқаради. Цех коллективи цехлараро мусобақада пешқадамлик қилиб, кўчма вимпелни сақлаб келмоқда. Илғор тикувчилардан Насиба Усмонова, Анастасия Нилова, Насиба Парпиева, Умри Усмонова ва бошқаларнинг бу ютуқда катта ҳиссалари бор.

Фабрика рационализаторлари ҳам корхона муваффақиятига салмоқли ҳисса қўшаётирлар. Яқинда А. Бобожонов ва П. Бумага ўртоқлар «ПВПЭМ 10» маркали трикотаж машинасига қўшимча қисмлар киритиб, янги нусхада енгил, сифатли маҳсулот берадиган дастгоҳ яратдилар. Бу билан ҳар 5000 дона жикет тўқилганда 3450 сўм тежаб қолиш имкони туғилди. Илгарилари фойдаланилмай келинган ҳар хил маҳсулот чиқиндиларидан А. Бобожоновнинг таклифи билан биринчи январдан бошлаб ҳар хил қўлқоплар тайёрланадиган бўлди. Бу эса корхонага йилига 25 минг сўм фойда келтирмоқда.

Корхона коллективи ўз режаларини ҳисоблаб чиқиб юбилей йилида планда кўрсатилган 524 минг сўм ўрнига 646 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

Корхона маҳсулотларининг намуналари Москвадаги Бутуниттифоқ халқ ҳўжалик ютуқлари кўргазмасида юқори баҳоланди. Яқинда эса Ўзбекистон ССР енгил саноати маҳсулотларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда корхона юбилей йили учун махсус тайёрлаган моделларнинг бештасини жюри аъло баҳолади.

Ҳақиқатан ҳам корхона аҳли юбилей йилида қувончли зафарларни қўлга киритмоқда. Фабрикада бу йил ҳозирги замон техникаси билан жиҳозланган яна бир янги цех ишга тушади. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш 25 процент ошади.

Меҳнатсевар коллектив шу кунларда беш йиллик топшириқларини барвақт адо этиш учун қизғин курашмоқда.

А. ИМИНОВА,
Э. ЮСУПОВ.





«Главташкентстрой»га қарашли «Ташинжстрой» трестининг 1-ихтисослашган қурилиш бошқармаси коллективи ойлик топшириқларни муваффақиятли адо этмоқда. Суратда: сантехниклар бригадаси бошлиғи, Меҳнат Қизил Байроқ орденли А. Костюнин (чапда), 1-қурилиш бошқармаси бошлиғи М. Клубаков ва слесарь К. Қобилов ўртоқлар янги вазифаларни муҳокама қилмоқдалар.

Я. КАМИНЕР фотоси. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг Тошкентдаги марказий диспетчерлик бошқарув пульти республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида электр қувватининг ҳар куни бир меёрда сарфланишини таъминлайди. Суратда: диспетчерлик пультида навбатчилик пайти.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

САЙЛОВДАН — САЙЛОВГАЧА

АНДОЗАСИ ШАҲАРДАН



Бизда ҳатто чекка қишлоқлар ҳам шаҳар билан ҳусн талашадиган бўлиб қолди. Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхоз бунинг мисоли.

Қишлоққа бир-икки йил келмаган киши бу ерни таниб олиши қийин. Колхоз гузари илгари хўжаликнинг бир чеккасида эди. 1968 йилдан бошлаб қишлоқнинг қоқ ўртасидан жой танланди. Ана шу жойда кўпгина иморат тикланди.

Гузарга кириб келаверишда янги қурилган амбулатория, дорихона, бинолари эътиборингизни тортади. 20, та янги типовой уйларга колхозчилар кўчиб киришган. Колхознинг 1 ва 2 бўлимларини боғлайдиган йўл ёқасидаги сим ёғочларга чироқлар ўрнатиш учун ҳозирлик кўрилмоқда. Замонавий кенг кўчаларнинг икки ёнидаги дарахтлар қишлоққа ҳусн берган.

Қишлоқ хўжалик артели қурилиш бригадаси бошлиғи Ҳидирали Муртазоев колхоздаги ободончилик ишларига колхоз правлениесининг катта эътибор бераётгани ҳақида фахр билан сўзлайди:

— Хўжалигимизда қурилишга ажратилган маблағ йил-дан-йилга кўпаймоқда. Масалан, ўтган йили бу ишга ҳаммаси бўлиб 350 минг сўм сарфланди. Юбилей йилида эса 400 минг сўм ҳаржланади. 1969 йилда «Қизил Шарқ» бўлимида 2 километр йўлга шағал ётқизилди. 10 та бригада учун баҳаво дала шийпонлари қуриб фойдаланишга топширилди. 3-бўлимдаги 32 ўринли мактаб ўқувчиларни қабул қилди. 1-бўлимдаги 200 ўринли клуб ҳозир маданий-маиший ишлар марказига айланган. Ҳамма бўлимларда болалар боғчаси ишлаб турибди.

Колхозда ҳали қиёмига етказиладиган ва қилинадиган ишлар кўп. Сентябрь ойигача артель марказида 640 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилади. Ҳаммом қурилиши давом этяпти. 10 та тўрт хонали типовой уй, катта қишлоқ магазини ҳадемай битади. Энди 60 номерли автомат телефон станция, 40 ўринли касалхона, маиший хизмат кўрсатиш уйи ва типовой молхона қуришга қўл урилади.

Калинин номли колхознинг эртаси янада порлоқ, Ўтмишда қора чироқ хонадонлар бугун Ильич чироғидан нурафшон. Ҳамма онлалар газ билан таъминланган. Радио, телевизорсиз хонадон йўқ. Колхоз 2 минг гектар ерда деҳқончилик қилади. Артель аъзолари ана шу фаровонлик манбаи бўлган экин майдонларида пахта, шоли ва каноидан йилдан-йилга мўл ҳосил кўтариш учун курашишяпти.

А. ЭГАМБЕРДИЕВ.
Ўрта Чирчиқ райони.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ

(ХО ШИ МИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА)

Халқаро коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатининг йирик арбоби, Хиндихитой Коммунистик партиясининг асосчиси, Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг раҳбари, Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Мин туғилган кунга 80 йил тўлди. Унинг номини қаҳрамон Вьетнам халқи, Совет кишилари ва бутун социалистик лагер меҳнаткашлари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати намояндалари бугун чуқур ҳурмат билан эсга олмоқдалар.

Хо Ши Мин унинг партиявий тахаллуси бўлиб, вьетнамча «дано» деган маънони билдиради. Асли исми Нгуен Ай Куокдир.

Хо Ши Мин 1890 йил 19 майда Кимлиен қишлоғида камбағал зиёли оиласида дунёга келди. У жуда ёшлигиданоқ мустамлака зулмига қарши курашувчилар сафидан жой олди. 1913—1916 йилларда француз ва инглиз компаниялари пароходларида матрос ва юк ташувчи бўлиб ишлади, 1916—1917 йилларда Англияда, 1917—1919 йилларда АҚШда истиқомат қилди. 1919 йилдан эса Францияда яшай бошлади.

Версаль тинчлик конференцияси иши давом этиб турган вақтда у конференция қатнашчиларига Хиндихитой халқларига мустақиллик беришни талаб этган меморандум топширди. Француз мустамлакачилари Хо Ши Мин тимсолида ўзлари учун хавфли душманни кўриб, уни бир неча маротаба турмага ташладилар. Аммо ҳеч қандай репрессия ва таъқиблар ёш революционернинг метин иродасини, ўз халқининг озодлиги, мустақиллиги ва бахти учун курашдек қатъий қароридан қайтара олмайди.

Вьетнамнинг мустамлака зулмидан озод қилишнинг энг мақбул йўлини ахтариб топишга интилиб, у сабот билан жуда кўп назарий адабиётларни ўқиди, халқаро ишчилар синфининг революцион кураш тажрибасини ўрганди. Францияда яшаган йилларида пролетариатнинг революцион чиқишларида актив қатнашди. «Ленинизмга олиб келган йўлим» китобчасида у шундай деб ёзган эди: «Дастлабки даврларда коммунизм идеяларидан кўра кўпроқ ватанпарварлик туйғулари мени Ленинга ва Учинчи Интернационалга олиб кетди. Қадам-бақадам марксизм-ленинизм назариясини ўрганиш, революцион практика билан уйғунлашиб кетган кураш давомида мен фақат социализм эзилган халқларни ҳамда бутун дунё меҳнаткашларини қуллик жабридан озод қилиши мумкинлигини тушуна бордим».

Озодлик курашчиси Улуғ Октябрни шодлик билан қарши олди, бу буюк ижтимоий вақеада Вьетнам озодлиги тонгини кўрди. Хо Ши Мин жаҳонни титратган инқилобни: «Қуёш ёғду сочганидек, Октябрь революцияси ҳам жаҳоннинг беш қисмини ўз нури билан мунаввар қилади, миллионлаб эзилган ва эксплуатация қилинаётган оммани уйғотади», — деб, улуғлади.

1920 йилда Франция Компартияси тузилди ва Хо Ши Мин унинг биринчи аъзолари сафидан жой олди. Вьетнамнинг биринчи коммунисти Парижда «Партия» номи билан газета ташкил этиб, Францияннинг мустамлака сиёсатини фош этди. 20—30-йилларда тарихида ниҳоятда муҳим воқеа эди. Мамлакатда ишчилар синфи революцион ҳаракатнинг йўналтирувчи кучига айлана борди. Вьетнам коммунистлари озодлик ва мустақиллик учун кураш манфаатларини ифодалаб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Коминтерн билан мустаҳкам алоқа ўрнатдилар.

Социализм қурилишида Совет халқи эришган ғалабалар ва Улуғ Ватан урушида фашистлар Германияси ҳамда япон империализми устидан қозонилган ғалаба Вьетнам халқига илмомбахш намуна бўлди. Миллий озодлик ҳаракати борган сари кенг қулоч ёйиб, 1945 йил август қуролли қўзғолонига олиб келди. Август революцияси япон босқинчилари ва уларнинг қўғирчоқлари ҳукмронлигини ағдариб, Вьетнам Демократик Республикасини барпо этди. Хо Ши Мин бир овоздан республика президенти қилиб сайланди.

1946 йилда Хо Ши Мин бошлиқ Вьетнам делегацияси Франция ҳукумати билан музокаралар олиб борди. Натижада (6 март ва 14 сентябрда) иккита шартнома тузилди: Франция ВДР мустақиллигини тан олди. Аммо империалистлар Вьетнам халқининг эркин нафас олишини кўра олмадилар. Шартномаларни қўпол равишда бузиб, француз мустамлакачилари Вьетнам халқига қарши қонли уруш бошладилар. Хо Ши Мин француз экспедицион корпуси кўшинларига қарши умумхалқ курашига моҳиятли раҳбарлик қилди. Коммунистик партия раҳбарлигида ва бутун дунё прогрессив кучларининг актив қўллаб-қувватлаши туфайли империалист мустамлакачилар устидан ғалаба қозонилди. Ташқи ишлар министрларининг Женева конгашида (1945 йил) Хиндихитойда уруш ҳаракатини тўхтатиш тўғрисида бир қарорга келишганлиги тинчлик кучларининг муҳим ғалабаси ва Вьетнам халқининг озодлик ва мустақиллик учун курашдаги жасоратини тан олиш бўлди.

ВДР меҳнаткашлари қисқа давр ичида социализм асосларини барпо этиш йўлида ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Аммо бу сафар халқнинг тинч яратувчилик меҳнатига америкалик аггрессорлар ҳалақит берди. Вьетнам халқи Хо Ши Мин раҳнамо бўлган раҳбарлигида агрессорга қақшатгич зарбалар берди, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашга астойдил бел боғлаган ҳамда бу курашда социалистик давлатлар, барча қитъалардаги миллионлаб кишилар ёрдами ва мададига суянган халқни енгиб бўлмаслигини исбот этди.

Совет кишилари Хо Ши Минни социалистик ҳамдўстликнинг, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ва жипслиги учун изчил курашчи сифатида яхши биладилар ва ҳурмат қиладилар. У КПССнинг бир қатор съездларида Вьетнам меҳнаткашлари партияси делегациясига ва 1955 йилда СССРга келган партия-ҳукумат делегациясига бошчилик қилган. СССР билан дўстлик социализм қурилиши ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳавфсизлигининг муҳим омили бўлибгина қолмай, балки бу дўстлик бутун социалистик ҳамдўстлик манфаатларига жавоб беражагига Хо Ши Мин чуқур ишонарди. Мамлакатимизнинг содиқ дўсти, ҳақиқий марксчи-ленинчи Хо Ши Мин Улуғ Октябрнинг 50 йиллигида Ленин ордени билан тақдирланди.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг раиси ва Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти Хо Ши Мин 1969 йил 3 сентябрда 79 ёшида вафот этди.

Ҳозир бутун Вьетнам халқи, унинг қуролли кучлари Хо Ши Мин васиятларига амал қилиб, у ўз ҳаётини бахш этган ишни давом эттириб, Америка империализмининг Хиндихитойда давом этаётган шармандали аггрессиясига қарши кураш постида сергак турибди. Бинобарин, мамлакатда социализм қурилишида жиддий муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Т. НАЖМИДДИНОВ.



Звено бошлиғи Коша Абдиевни Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози деҳқонлари тажрибали пахтакор, моҳир механизатор сифатида ҳурмат қилишади. У бошлиқ звено пахтакорлари пахтадан йил сайини юқори ҳосил етиштириб келмоқда. Уларнинг бу йилги нияти ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 30 центнердан оширишдир. Суратда: звено бошлиғи К. Абдиев.

А. Абалян фотоси.

Халқаро аҳвол

ПЕНТАГОН ХАВФСИРАМОҚДА

ВАШИНГТОН, 16 май. (ТАСС). Пентагон шу ҳафтанинг охирида АҚШнинг кўпгина ҳарбий базаларида «Қуролли кучлар куни» байрамини ўтказмасликка қарор қилди. Мудофаа министрлиги вакилининг гапларидан маълум бўлишича, ҳарбий маъмурлар АҚШнинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги агрессив сиёсатга қарши оммавий норозилик намойишлари бўлишидан хавфсираб ана шундай чора кўришга мажбур бўлганлар.

АГРЕССОР ҚОРАЛАНДИ

РАВАЛПИНДИ, 14 май. (ТАСС). Покистон президенти Яҳёхон Исроилнинг Ливанга қилган агрессив ҳужумини қаттиқ қоралади. Ливан президенти Ш. Хелуга юборилган мактубда айтиладики, Покистон Исроилнинг агрессив экспансиончилик ниятларига қарши Ливан ва бошқа араб халқлари мустақиллик ва территориал бутунлик учун олиб бораётган курашини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

М. ТЕОДАРАКИСНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

РИМ. (ТАСС): Римга келган таниқли грек композитори Микис Теодаракис бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида бундай деди: грек халқининг кўпчилиги ҳарбий хунтага қарши чиқмоқда ва диктатурага қарши уюшган қаршиликнинг илдизлари мустаҳкам. Хунта ҳокимиятни қўлга олганидан бери ўтган уч йил мобайнида халқнинг ҳурматига сазовор бўлолмади ва амалда якқаланиб қолмоқда, деди у. Ҳозирги режим АҚШнинг мадади туфайли, чет эл пулининг ёрдами билан ҳокимият тепасида турибди.

ЯПОНИЯ ОППОЗИЦИОН ПАРТИЯЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

ТОКИО, 14 май. (ТАСС). Япония Коммунистик партияси 22 июнга қадар, Япон-Америка хавфсизлик шартномасининг муддати тугаши муносабати билан ана шу шартнома билан боғлиқ бўлган масалаларни атрофлича муҳокама қилиш мақсадида парламентнинг навбатдан ташқари сессияси чақирилишини талаб этмоқда. Япония Коммунистик партияси парламент группасининг парламент 63-сессияси ўз ишини тугатиши муносабати билан чиқарган баёнотида шу ҳақда гапирилади.

Япония социалистик партияси ўз баёнотида шуни кўрсатиб ўтадики, ҳукумат япон-америка музокаралари юзасидан ўтган йилнинг якунлари масаласи юзасидан парламентда музокаралар юритишдан бўйин товламоқда. Баёнотда яна шу нарса таъкидлаб ўтилади: Ҳукуматнинг парламент билан ҳисоблашмаган ҳолда хавфсизлик шартномаси муддатини тўғридан-тўғри узайтиришга доир қарори парламентни назар-писанд қилмасликдан бошқа нарса эмас. Социалистик партия Япон-Америка хавфсизлик шартномасини бекор қилиш учун, Япония халқ оммасининг ҳаётий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун курашни кучайтиришга даъват этади.

ТЕЛЬ-АВИВНИНГ ПЛАНЛАРИ МАҒЛУБИЯТГА УЧРАЙДИ

Исроил ҳарбийлари араб мамлакатларига қарши яна қўпол иғвогарлик қилди. Исроил бўлинмалари авиация ва артиллерия мададида Ливан территориясига бостириб кирди. Илгари бўлиб келганидек, Исроилнинг агрессив ҳаракатлари тинч аҳолига ва тинч объектларга қарши қаратилган. Аммо Исроил араб халқларининг миллий озодлик ҳаракатини бўғишга ва Яқин Шарқ районида империализм маҳрум бўлган позицияларни қайтариб олишга мўлжалланган режаларни амалга оширишга муваффақ бўлолмайди.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитети Исроилнинг Ливанга қилган ваҳшиёна ҳужумига қарши жамоатчилик номидан норозилик билдирди. Биз, дейилади баёнотда, Исроил ҳарбийларининг араб халқларига қарши жиноий иғвогарликлари тухтатилишини талаб қиламиз ҳамда барча мамлакатларнинг тинчликсевар демократик жамоатчилигига мурожаат қилиб, Тель-Авивлик уруш оловини ёқувчиларни жиловлаб қўймоқ учун янада шижоатли ҳаракатлар қилишга чақирамиз.

Совет кишилари араб халқлари билан бирдам ҳамиятларини ҳамда уларга зарур ёрдам беришга тайёр турганликларини яна бир бор таъкидлайдилар. Араб халқларининг Исроил аггрессиясига ва империализмга қарши одилона кураши муваффақият қозонишига ишончимиз комил.



ЖАЗОИР. Мамлакат пойтахтидаги энг кўркам ва хушманзара хиёбонларининг бири В. И. Ленин номи билан аталади. Суратда: Ленин номли хиёбонда.

А. БОГОМАЗ фотоси. ТАСС фотохроникаси.



САҲИЙ ҚАЛБ ЭГАСИ

ТЎЙҲАТ ЎРНИДА

Совет Шарқининг ҳаво дарвозаси — меҳмондўст Тошкент аэровокзали — кишилар билан гавжум. Мана, кўзойнакли нуроний бир кекса билан хушбичим йигитни ўртага олган бир тўда киши кутиш майдонидаги дарахтлар соясида қизғин суҳбатлашмоқда.

— Қоҳиранинг ҳавоси биздагига нисбатан ҳам иссиқ бўлса керак-а?— деди тўладан келган йигит юзидаги терларини рўмолчаси билан артаркан.

— Шунинг учун ҳам у ёққа сизни юборишмади-да,— ҳазил қилди қувноқ йигит.

Даврада енгил кулги кўтарилди.

Шу он навбатчи — дикторнинг Москвага учадиган йўловчиларни самолётга чиқишга таклиф қилган овози жаранглаб қолди. Кўзойнакли нуроний киши ҳалиги хушбичим йигитни багрига босаркан, тайинлайди:

— Ҳорижий давлатга кетаяпсан, ўзингни эҳтиёт қил. Бизни, дўстларингни унутма.

— Хўп, устоз. Ётиб боришим биланоқ хабар қиламан. Сизни, дўстларимни, жонажон Ўзбекистонни бир зум ҳам эсдан чиқармайман,— жавоб қилди йигит.

Бирлашган Араб Республикасининг пойтахти Қоҳирага бориб, университетда лекция ўқишга таклиф қилинган бу ёш ўзбек олими, филология фанлари доктори, профессор Алибек Рустамовнинг ҳам, уни кузатишга чиққан бири рус, бири ўзбек, бири қозоқ, бири қирғиз, бири туркман, бири қорақалпоқ дўстларининг ҳам устози ҳалиги саҳий қалбли киши академик Виктор Васильевич Решетов эди.

Узоқ Саратов губерниясидан 1907 йили Тошкентга кўчиб келган камбағал деҳқон Василий Евграфович Решетовнинг оиласида 1910 йилнинг баҳорида фарзанд дунёга келди. Унга Виктор деб исм қўйдилар. Болалигиданоқ ўзбек болалари билан бирга ўйнаб ўсган, дўстлашган ёш Виктор ўзбек тилини мукаммал ўрганиб олди, бу тилни яратувчи халқни севиб қолди. 1926 йили ўрта мактабни битирган Виктор Васильевич Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқ факультетига ўқишга кирди.

Виктор Васильевичнинг педагогик фаолияти студентлик чоғиданоқ бошланди. 1929 йилдан бошлаб САГУнинг ишчилар факультетида рус группаларида ўзбек тили ва миллий группаларда рус тилидан лекция ўқиди. Кейинчалик тил ва адабиёт институтининг диндистика секторига кичик илмий ходим қилиб тайинланди. Виктор Васильевич бу ерда йирик лингвист олим профессор Е. Д. Поливанов билан бирга ишлади унда ўзбек тили диалектологиясини ўрганишга ҳавас, қизиқиш шу даврдан қучайди.

Маълумки, ўзбек тили диалектал жиҳатдан ранг-баранг ва бой. Ўзбек диалектларини ўрганиш жуда катта илмий аҳамиятга эга, чунки, диалектларни ўрганиш тил тарихи учун ҳам, шу тилни яратувчи халқ тарихи учун ҳам жуда бой материаллар беради. 1940 йилда «Ўзбек тилининг Марғилон шеваси» темасида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган Виктор Васильевич диалектологияга оид қатор-қатор илмий асарлар ва мақолалар яратиб, ўзбек тилшунослиги фанини ривожлантиришга баракали ҳисса қўшади.

«Ангрен воҳаси ўзбек шеваларининг классификацияси», «Транскрипция тўғрисидаги масалаларга доир», «Ўзбек диалектологиясининг баъзи масалалари», «Ўзбек диалектологиясининг аҳволи ва вазифалари», «Ўзбек диалектологияси», «Ўзбек шеваларининг классификацияси» каби ўнлаб илмий асар ва мақолалар олимнинг қаламига мансубдир. 1952 йилда «Тошкент области қурама шеваларн (фонетик ва морфологик системаси)» темасида диссертация ёқлаган Виктор Васильевич филология фанлари доктори деган илмий даражага эга бўлди.

Атоқли олим ўзбек ва рус тиллари бўйича мактаб, билим юртлари ҳамда олий ўқув юртлари учун яратилган бир қанча дарсликлар ва қўлланмаларнинг ҳам авторидир. Унинг 1930-40 йилларда яратган «Ўзбек тили грамматикаси», «Ўзбек тили дарслиги», «Рус мактабларининг 5—6-синфлари учун ўзбек тили дарслиги», «Рус тили грамматикаси», «Ўзбек тили дарслиги», «Рус тилининг қисқача грамматикаси», «Ҳозирги ўзбек тили» ва кейинчалик ёзган «Рус тили грамматикаси», «Ўзбек тили фонетикаси ва грамматикасининг асослари» каби дарслик ва қўлланмаларидан ўқувчилар, студентлар ва ўқитувчилар баҳраманд бўлган ва бўлмоқдалар.

Даврокқе, совет ёшларини коммунистик рухда тарбиялаш, уларга чуқур билим бериш ва халқимизга хизмат қиладиган кадрлар етиштиришда ҳам Виктор Васильевичнинг хизматлари катта. У узоқ йиллар давомида Тошкент Давлат университетида, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида лекциялар ўқиди, кафедра мудири, факультет декани вазифаларида ишлади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида тил ва адабиёт институтида илмий ходим, сектор мудири, директор ўринбосари, директори бўлиб ишлади.

Устозлик гоят фахрли, гоят шарафли, айни вақтда гоят масъулиятлидир. Бир эмас, икки эмас, балки ўнлаб олимларни етиштириш уз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ёлғиз илмгина эмас, балки дарёдай кенг саҳий қалб, меҳр, чидам ва талабчанлик керак. Бу фазилатларнинг ҳаммаси Виктор Васильевичда мужассам. Шунинг учун ҳам бутун ёши 60 га етса ҳам, у ҳали бақувват, тетик. Устоз педагог, олим, республика рус тили ва адабиёти педагогика институтига раҳбарлик қилмоқда.

Атоқли олим ва меҳрибон устоз кўксини Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси» орденлари ва «Шавкатли меҳнати учун» медали безаб турибди. 1964 йили Виктор Васильевичга «Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилди.

Эл-юртимизнинг равнақи, фанимизнинг тараққиёти йўлига бағишланган умрингиз янада узоқ бўлсин, куч-ғайратингиз янада жўш урсин, ҳурматли устоз!

Б. МИРЗААҲМЕДОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, педагогика фанлари кандидати.

САБЗАВОТНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Беш йилликнинг сўнгги йилида деҳқонларимиз янада баракали меҳнат қилишаяпти. Совхозимиз партия комитети ва барча коммунистлар аҳоли дастурхонини кўплаб сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари, мева, картошка билан доимо етарли миқдорда таъминлаб туриш учун муносиб ҳисса қўшяптилар.

Коллективимиз Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорида кўрсатилганидек, сабзавот экинларини белгиланган турлари бўйича экишга эътибор бердилар. Илгари бизда планнинг кўпроқ қисми асосан карам ва помидор ҳисобига бажариларди. Ўтган йилдан бошлаб бу камчиликларга хотима берилди.

1969 йилда сабзавот маҳсулотлари бўйича барча планларни ҳамма турлари бўйича ошириб бажаришга эришган бўлсак, юбилей йилида янада катта марраларни мўлжаллаб меҳнат қилинаяпти.

Бу йилги планимизда давлатга 5000 тонна сабзавот маҳсулотлари сотиш кўрсатилган. Коллективимиз 5500 тонна маҳсулотни давлатга топширишга аҳд қилиб, йил бошидан уюшқоқлик билан иш олиб бормоқдалар. Ерлар экишга сифатли тайёрланди, ариқ-зовурларни ўз вақтида тозаладик. Далаларга минерал ўғитлар солиш билан бирга гектарига 4—5 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариб, ернинг кучига-куч қўшдик.

Парник хўжалигимиз ишчилари эса кўп ҳосил тугадиган помидор ҳамда карам кўчатлари тайёрлашга эътибор беришди.

Биз кейинги икки йилдан бери муҳим бир агротехник тадбирни қўллаяпмиз: кузда сабзавот экинлари йиғиштириб олинаётган вақтда келгуси йили қайси эртаги экиндан неча гектар экилишини планлаштириб, ер экишдан бўшагач, кузданёқ уни экишга сифатли тайёрлаб, ариқлар олиб қўямиз. Баҳорда дастлабки имконият бўлиши билан дарҳол эртаги картошка ва карамни экиш тадбирлари кўрлади. Бу даврда ҳайдалмаган ерлар ҳали ҳам анча нам ва лой бўлади. Уларнинг етилишини кутгунча далаларга экилган уруғ униб чиқади. Карам эса дастлабки культивацияга тайёр бўлади. Бундай экинлар ҳосили кўкламда ҳайдаб экилган худди шу экин туридан деярли 25—30 кун илгари пишиб етилади. Бу биз учун ҳам фойдали, ҳам қулай. Бундан ташқари экин майдонлари иккинчи экин учун 25—30 кун илгари бўшайди.

Коллективимиз плёнка остида ва теплица секцияларида ҳам сабзавот етиштиришга алоҳида этибор беряпти. 20 гектар ерга плёнка остига бодринг экилган. Пландаги 400 ўринга 450 тонна ҳосид кўтариш учун барча тадбирлар кўрилаяпти. Дастлабки ишлов бериш бошлаб юборилган, бир марта озуқалантирилиб чопиқдан чиқарилди. 10 гектар майдонга эртаги сабзи экилди. Сабзи етиштиришда гербицидлардан фойдаланиш биз учун анча қулай келаяпти.

25 гектар майдонга эртаги картошка экдик. Бу йилги планимизда 250 тонна картошка тайёрлаш белгиланган. Картошка тайёрлаш соҳасидаги социалистик мажбуриятни эртаги картошка экини ҳосилидан бажариш учун имкониятимиз бор. Шу кунларда картошка пайкаллари культивацил қилинди, суғорилди, озиқлантирилди.

Бундан ташқари, меҳнаткашларга пландаги 160 ўринга 200 тонна мева, 50 ўринга 96 тонна узум етказиб бериш учун аҳд қилганмиз. Сабзавотқларимиз 70 гектар август пиёзини комплекс ишловдан чиқариб қўйишди. Бу йилги мавсумда деҳқонлар 558 тонна пиёз сотиш учун кураш бошлашган. Ҳозир уни шаҳарга жўнатиб турибмиз. 50 гектар эртаги карамни ҳам сифатли ишловдан чиқариб қўйдик.

Чорвадорларимиз ҳам бу йил 470 ўринга 545 тонна сут, 36 ўринга 40 тонна гўшт, 13 тонна пилла тайёрлашга аҳд қилишган. Бундан ташқари, чорва моллари учун етарли ем-хашакни ҳам ўзимизда етиштирилади. 50 гектар сифатли тайёрлаган майдонларга макажўхори экилди. Ем-хашак тайёрлаш звеносининг аъзолари ана шу макажўхорининг ҳар гектаридан пландаги 450 ўринга 500 центнердан силос бостиришга сўз беришган. Пландаги 16 ўринга 20 гектарга лавлаги экилди. Лавлагининг ҳар гектаридан 50 тоннадан ҳосил олинади. 780 тонна дағал хашак тайёрланади.

Бизнинг режаларимиз ана шундай. Уларни амалга ошириш учун бизда ҳамма имконият бор.

Р. ҚАМБАРОВ,
Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг директори.

БУГУН — В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

Мамлакатимиз календарида қизил варақлар — байрамлар кўп. 19 май шу байрамлар ичида муносиб ўрин эгаллайди. Чунки шу куни В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилоти тўғилган. Бу ташкилот 1922 йили комсомолнинг II Бутунроссия конференцияси қарори билан тузилган бўлиб, ўшандан буён ҳар йили 19 майни катта байрам сифатида нишонлайди.

Пионерлар байрами — умумхалқ байрами, негаки катта ёшдаги кишилар ҳам коммунистик тарбиянинг ажойиб мактабини пионер отрядларида ўтаганлар.

Ҳозирги вақтда Советлар мамлакатининг пионер ташкилотида 22 миллиондан ортиқ ўғил-қиз бўлиб, улар шонли Ленин комсомолининг муносиб ўринбосарлари сифатида вояга етмоқдалар. Коммунистик партия ҳамда Ленин комсомолининг раҳбарлигида миллионлаб Совет болалари дўстлик ва коллективизм руҳида тарбияланмоқдалар, ўз пионер отрядларида қийинчиликларни енгиб ўтишга ўрганишмоқда, илк коммунистик чиниқиш ҳосил қилмоқдалар.

Совет пионерлари ўз ота-боболари бошлаган улуғ ишнинг, ажойиб ватанпарварлик ташаббусларининг ворисларидир. «Ленин юлдузлари, порлайверинг!» шиори остида ўтаётган пионер дружиналарининг Бутуниттифоқ кўригида қатнашаётган болалар ўз Ватанларини ўрганмоқдалар, Ленин васиятлари асосида экспедиция уюштирмоқдалар, жанговар шон-шуҳрат юришларида қатнашмоқдалар. Ватанимиз озодлиги учун курашиб жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган номаълум кишиларнинг номларини аниқлаб, материаллар тўплаб, мактаб-музейлари ташкил этишмоқда. Пионерлар металл чиқиндилари йиғишни ташкил этишмоқда, ишлаб чиқариш бригадаларида меҳнат қилишяпти, шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштиришда ҳисса қўшмоқдалар.

Партия ва Совет ҳукумати ўсиб келаётган ёш авлод ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. 1962 йили ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги жуда катта хизматлари учун пионер ташкилоти Ленин ордени билан мукофотланди. Ленинчилар доҳий васият қилганидек, Коммунистик партия таълим бераётганидек яшаш, ўқиш ва кураш олиб бориш принципини ўзларининг шиорлари қилиб олишган.

Республикамиз, шу жумладан областимиз мактабларидаги неча ўн минглаб пионерлар ҳам бугунги байрамни фанларини пухта ўзлаштириш, жамоат ишларида актив иштирок этиш, турмушда намуна кўрсатиш билан кутиб олмоқдалар.

Бугун тонг саҳарлаб шаҳар ва қишлоқларда, мактабларда, майдон ва хиёбонларда ҳаммамизга таниш ва дилни қитиқловчи садолар — ёшларнинг шўх кулгилари, горн ва барабан садолари янграйди.

— Пионерлар, Ленин иши учун, Коммунистик партия иши учун бўлинг тайёр! — мурожаат қилишади пионер вожатийлари.

— Доим тайёр! — деб жавоб беришади бир овоздан улар.



— БИЗ ПИОНЕР.. А. Тўраев фотоэтюди.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

СОФИЯДАН САЛОМ

Стефан Трончев Болгария циркининг етакчи артистларидан ҳисобланади. У ўн беш йил мобайнида ўзининг жозибали чиқишлари билан неча минглаб кишилар қалбида чуқур из қолдириб келмоқда. Шу кунлари Стефан Трончев бошлиқ Болгария цирки артистлари Тошкентда меҳмон бўлиб туришибди. Тошкент Давлат «Шапито» циркида ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Томошабинлар қардошларимизнинг ҳар бир чиқишларини самимий қарши олишмоқда. Цирк коллективи орасида Стефан каби тажрибали, моҳир, изланувчан артистлар кўп. Надежда ва Васил Спиридоновлар ана шулар жумласидан. Улар ниҳоятда таъсирчан, ўзига хос номерлар билан чиқиб томошабинларнинг олқишига сазовор бўлишмоқда. Артистлардан Пенка Георгиев, Христо Кавтински, Ляля Трончевлар ҳам рангба-ранг номерлар билан чиқмоқдалар.

Ансамбль 1965 йилда ташкил этилган. Унда қатнашаётган артистлар асосан ёшлардан иборат. Бу изланувчан коллектив қисқа вақт ичида бир қатор чет эл мамлакатларида бўлиб турли миллат вакилларининг ҳурматига сазовор бўлишган. Польша, Чехословакия, Руминия, Германия Демократик Республикаси, Италия меҳнаткашлари бу иноқ коллектив ижодига тасаннолар ўқиган. 1968 йилда Софияда Болгария циркларн коллективлари фестивали бўлиб ўтади. Стефан бошчилигидаги бу ёшлар фестивалда муваффақият қозониб фестивал лауреати деган шарафли номни олишга муяссар бўлишди.

— Тошкентга келган биринчи куниноқ ўзимизни севимли диёримизда юргандек ҳис этдик,— дейди Стефан.— Ўзбекпар ниҳоятда меҳмондўст бўлади деб эшитгандик. Эндиликда буни ўз кўзимиз билан кўриб қалбимиз билан сезмоқдамиз. Коллективимиз аъзоларининг ҳар бир чиқишларини томошабинлар шоду-ҳуррамлик, зўр мамнуният билан қарши олишмоқда. Бу бизни ниҳоятда қувонтирмоқда. Концертдан бўш пайтларда шаҳарнинг диққатга сазовор бўлган жойларини томоша қилмоқдамиз. В. И. Ленин музейида бўлдик, охирги йилларда барпо этилган муҳташам бинодарни кўрдик. Биз қаерда бўлмайлик шаҳарлик меҳнаткашлар, фан ва маданият арбоблари қулоч очиб қарши олишмоқда. Бу ўз ўрнида Совет—Болгария халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин ифодасини кўрсатиб турибди. Фурсатдан фойдаланиб газетангиз орқали томошабинларга, шаҳарлик меҳнаткашларга самимий миннатдорчилик билдирмоқчиман.

ЕШ ТАЛАНТЛАР КУЙЛАЙДИ

Лаънати урушнинг уйи куйсин. Бегуноҳ оталарни, муниса ва муштипар оналарни ҳалок этди. Минглаб шаҳар ва қишлоқлар кул бўлиб кўкка совурилди. Биз урушни ҳоламайлик. Унинг уйи куйсин...

Японияннг таниқли артисти Папура Фукуда урушни қораловчи қўшиқ ижро этмоқда. Унинг мунгли, аянчларга тўлиқ овози урушнинг фожиали йилларини эслатади, ёнаётган шаҳар ва қишлоқларни ифодалайди. Папура ижодининг асосий қисмини революцион руҳда ёзилган, тинчликка даъват этувчи қўшиқлар эгаллаган. Шунинг учун ҳам бу истеъдодли талант эгасини биргина Японияда эмас, балки чет эл мамлакатларида ҳам ҳурматлаб, ижодига юксак баҳо беришмоқда.

Кондо Эити ҳам Японияннг таниқли артистларидан биридир. Унинг репертуари бой ва рангба-ранг бўлиб, асосан тинч ва осойишта ҳаётни, пок муҳаббатни мадҳ этувчи қўшиқлар куйлайди. Пойтахтимизнинг Свердлов номли концертлар залида бир неча кундан бери япон артистларининг чиқишлари бўлмоқда. Ансамблнинг таниқли ижрочиларидан Папура ва Кондо томонидан ижро этилаётган жозибали куйлар томошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

И. ЮСУПОВ.

ШАХМАТЧИ ОЛИМ

Бу одам ҳақида ёзиш учун қўлимга қалам олдиму, ўйланиб қолдим. Хўш, у кишини ким деб таништирган маъқулроқ? Шахматчи дебми, ёки инженер, ё бўлмаса педагог дебми, журналист ё тарихчи дебми? Мана шу соҳа кишиларининг қайси бири билан суҳбатлашмаиг, «Мамажон ака—бизнинг ҳамкасбимиз» дейишади.

— Беҳуда бахслашиб ўтирманг: Мамажон Муҳиддиновнинг спортда сочи оқаряпти, — дейди шахматчилар қатъий қилиб.

Бу гапга қўшилмасдан бўлмайди. Негаки, Ўзбекистонда шахмат ҳақида гап кетганда биринчи бўлиб унинг номини тилга олишади. Зотан, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. У Ўзбекистон шахмат федерациясининг раиси, ўзбек шахматчилари орасидан чиққан биринчи СССР спорт мастери, республиканинг тўрт карра чемпиони, мамлакат қишлоқ спортчилари мусобақаларининг икки марта ғолиби, йигирма икки йилдан буён Ўзбекистон терма командасининг аъзоси.

— Булар ҳаммаси тўғри. Лекин у инженер-ку, — дейди транспортчилар.

Ҳа, уни темир йўл транспорти ходимларининг формасида кўп кўрганмиз. Туғилиб ўсган шаҳри Намангандан уни Тошкентда йўлларн ҳам шу касбга бўлган меҳри эди. Темир йўл транспорти институтини тамомлаб Ўрта Осиё темир йўли бошқармасида неча йиллар меҳнат қилди. Инженерлик касби унинг ўғлига ҳам мерос бўляпти. Катта фарзанди отаси ўқиган олий ўқув юртининг тўртинчи курсида таҳсил кўрмоқда.

— Мамажон акани устоз, педагог, тарбиячи деб биламиз, — дейди Ўзбекистоннинг аксарият шахмат аҳли.

Ўзбекистоннинг етакчи шахматчилари Исак Бирбрагернинг СССР спорт мастери бўлиши, Анатолий Грушевскийнинг муваффақиятларга эришуви унинг меҳнатлари самараси, талабчан ва ғамхўрлиги туфайлидир.

Ҳозир Муҳиддиновнинг юздан ортиқ шогирдлари бор. Олий спорт маҳорати мактабида қобилиятли ёшларни тарбияламоқда. Тошкентдаги Островский номли пионерлар саройи ҳам унинг севимли даргоҳларидан бири. Бу ерда Мамажон ака «32 дона, 64 хона»нинг ёш шайдолари билан иш олиб боради. Пионер ва ўқувчиларга «ақл грамматикаси» бўлмиш шахматдан сабоқ беради. Устоз катта умид боғлаётган ёшлар кўп. 11 ёшида биринчи разряд нормативини бажарган пойтахтдаги 16-мактабнинг ўқувчиси Тоҳир Неъматов, 91-мактабнинг биринчи разрядли ўқувчиси Акром Тошхўжаев сингари «шахмат вундеркиндлари» тажрибали устоз қўлида маҳорат чўққилари томон дадил кўтарилмоқдалар.

Қобилиятли ёшларни кўплаб тарбиялагани учун ҳам Муҳиддинов «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер» фахрий унвонини олган.

Лекин, назаримизда Мамажон ака ҳаммадан ҳам журналистлар даврасида ўзини эркин ҳис этса керак. Редакцияларда уни қаламкаш дўст сифатида катта ҳурмат қилишади. Муҳиддинов имзоси билан чиққан пишиқ ва қизиқарли ёзилган актуал темалардаги мақолаларини республикамизнинг вақтли матбуотида тез-тез ўқиймиз. Китоб магазинларида Котозининг бозори чаққон бўлиб турган «Оқлар ва қоралар» романини кўрган бўлсангиз керак. Ўлмас Алёхиннинг сарсон-саргардонликда ўтган умри, ибратли воқеаларга бой ҳаёти билан ўзбек китобхонлари Мамажон Муҳиддинов таржимаси орқали танишдилар. Бу китоб Мамажон акани таржимонлар сафига киритишга асос беради. Шахматчимиз ўзи ёзган оригинал китоблар ҳам кўп. «Шарқ—шахмат ватани», «Ўзбекистоннинг кишлоқ шахматчилари», «Шахмат ва адабиёт» каби рисолалари спорт мухлисларига ғоят манзур бўлган. Муҳиддинов муҳаррирлик қилган китоб ва брошюралар оз эмас.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, жаҳоннинг кучли шахматчиларининг аксарияти етук қаламкашлар ҳисобланади. Спасский, Петросян, Таль, Керес, Котов, Флор — буларнинг ҳаммаси журналистика билан шуғулланишади. М. Муҳиддинов ҳам бундан истисно эмас.

Кейинги вақтларда тарихчилар Мамажон акани «бизнинг ҳамкасб» деядиган бўлиб қолишди. Шахматимиз тарихи уни азалдан қизиқтириб келади. Бу соҳада ҳам Мамажон ака Совет шахмат мактабининг пешқадамлари изидан бораётганлигини кўрсатди. Шахмат ўйинини илм-фан билан муваффақиятли боғлай олган Ботвинник техника фанлари доктори, Петросян фалсафа фанлари кандидатидир.

Муҳиддинов эса ўз тадқиқотларини тарихга бағишлади. Фирдавскийнинг ўлмас «Шоҳнома»сидан тортиб, Навоий, Улуғбек асарларигача синчиклаб ўрганди. Ўз даврининг «гроссмейстерлари»ни бўлган Абу Ҳофиз ал Шатранжий, Наим ал Ходим Зайраб, Али Шатранжий каби сиймолар қолдирган мероси варақлади. Шахмат маданиятининг ривожланиш тарихида Ўрта Осиёнинг тутган ролини очиб берди. Шахмат терминологияси масалаларини бир системага солишга ҳаракат қилди.

Яқинда мана шу тадқиқотлари бўйича у тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун ёзган диссертацияни муваффақият билан ҳимоя қилди.

Шахматчининг илмий ишига Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги Яҳё Ғуломов раҳбарлик қилди. Расмий оппонентлар — тарих фанлари докторлари, профессорлар Зиёев ва Нуритдинов диссертацияни юқори баҳоладилар. Ўзбекистон Фанлар академияси тарих ва археология институтининг илмий даражалар бериш бўйича кенгаши Мамажон Муҳиддиновга тарих фанлари кандидати унвонини берди.

Биз биринчи шахматчи олимимизни кўп сонли спорт мухлислари номидан чин қўнгилдан табриклаймиз. Унинг бундан кейинги илмий ишларида, шахматдаги фаолиятида янги муваффақиятлар тилаймиз.

С. МУСАЕВ.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

ФУТБОЛ СССР терма командаси Колумбиянинг кучли «Индепендьенте» футболчилари устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди (Хмельницкий). Колумбияда бўлган бу ўйинда терма командамиз составида Кавазашвили, Серебряников, (Муятян), Капличний, Зиков, Афонин, Ловчев, Киселев (Асатиани), Метревели, Пузач Поркуян (Еврюжихин), Хмельницкий ўйнади.

ГФР футболчилари Мексикага жўнаш олдидан Югославия терма командаси билан учрашиб, 1:0 ҳисобида ғалабага эришди. Италияликлар эса Португалия командасини 2:1 ҳисобида ютди.

ШАХМАТ СССР шахматчилари тўртинчи марта Европа чемпионлари номини олдилар. Улар Австрияда ўтказилган қитъа биринчилиги тамом бўлмасданоқ рақиблар етолмайдиган даражада очко тўпладилар.

БАСКЕТБОЛ СССР терма командаси баскетболчилари Югославиянинг Любляна шаҳрида ўтаётган жаҳон чемпионати финалида бразилияликларга 64:66 ҳисобида ютқазгач, иккинчи ўринда чехословакияликларни 98:72 ҳисобида енгилдилар.

ШАШКА Тошкентлик С. Давидов Самарқандда бўлаётган 12-халқаро турнир пешқадамлари сафида бораётир. Ҳамшаҳаримиз Италия собиқ чемпиони Э. Фанеллини голландиялик Х. Вернерни енгди. Ҳозир Андрейко, Шчеголев ва тошкентлик мастер Давидов беш имконниатдан 3,5 тадан очко тўпладилар.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Марказда бунёд этилган янги В. И. Ленин номли проспект кундан-кунга кўркамлашиб бормоқда. — И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

14.40 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 19.05 — «Янграй, барабан» (Тележурнал В. И. Ленин номли пионер ташкилоти туғилган кунга бағишланган махсус сони). 19.50 — «Ассалом, янги Тошкент. 20.15 — Телеянгиликлар. 20.25 — «Современник» театри артистлари — меҳмонимиз.

Ўзбек тилида: 20.55 — Телеянгиликлар. 21.10 — Телетеатр. Берди Кербобоев. «Кунлар». 21.50 — СССР Олий Советига сайловлар олдидан. «Халқ номзодлари». 22.00 — «Ўзбекистон чорвадори» программаси. 22.30 — «24—25 қайтмайди» (Бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Рус тилида: 18.00 — Эстетика асослари бўйича факультатив курс. 9—10-синфлар. «Эстетика тарбия масалалари». 18.40 — Экспериментал 1-синф ўқитувчилари учун консультация. 19.10 — Абитуриентлар учун физика.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — «Ёш ленинчилар» (Телефильм).

Рус тилида: 20.50 — «Мамлакатимиз телестудияларида». 21.50 — «Угрюм-река» (Телевизион бадиий фильм. 1-серия).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/V да Марварид изловчилар, 20/V да Чио-Чио-Сан.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/V да Олтинчи июль, 21/V да Бой ила хизматчи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/V да Қайнона, 21/V да Ёшликда берган кўнгил, 22/V да Жон қизлар.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Лилипутлар иштирокида янги цирк томошалари программаси ва Болгария цирки артистларининг гастроллари.

«ЮБИЛЕЙНИЙ» СПОРТ САРОЙИДА — Ленинград Давлат муз устидаги балетининг гастроллари.

КИНО

«Котиллионда айланади — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «ДЎСТЛИК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкуруи).

Мазандарон шери — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкуруи).

Олтин — «ВОСТОК», (кундуз ва кечкуруи).

Ун беш ёшли капитан (эрталаб соат 9 яримда), Ҳалоскорлик (2 серия, эрталаб соат 11, кундуз 2.15, 5.30 ва кеч 8.30 минутларда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Грампластинкалар савдоси бўйича ихтисослаштирилган улгуржи базасининг

ТОШКЕНТ ГРАМПЛАСТИНКАЛАР УНИГА

Катта бухгалтер (бош бухгалтер ўринбосари), натта бухгалтер ўринбосари, секретарь-машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Халқлар дўстлиги» проспекти, 4 уй. Телефонлар: 77-48-76, 77-48-10.

Техника бўлими бошлиғи (темир бетон конструкциясини ишлаб чиқариш бўйича технолог), таъминот бўйича бошлиқ ўринбосари, темир-бетон ва ёғочсозлик бўйича инженер-технологлар, мастерлар: транспорт цехига, темир-бетон ва ёғочсозлик цехига; техника бўлими бошлиғига ўринбосар, юрист, бетончилар, арматурчилар, ёғочсозлик цехига станокчилар, металлни қайта ишлаш ва ускуналар ремонти бўйича слесарлар, қурилиш лабораториясига инженер, натта товаршунос

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент-5, Куйбишев шоссеси, 23/35 уй (5, 7, 12, 22, 26, 55, 102 автобусларнинг «Ўзбум» бекати).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ 2-СОН КУНДУЗГИ СИРТҚИ МАКТАБ (Ленин кўчаси, 163 уй)

Ангрен, Олмалиқ ва Чорвоқ шаҳарларидаги консультация пунктлари билан биргаликда саккиз йиллик ва ўрта мактабларда экстерн равишда имтиҳон топшириш учун ҳужжатларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, иш жойидан справка, 2 та фотосурат (3х4 сантиметр ҳажмида) шахсан кўрсатилади.

«ҚИЗИЛҚУМ» МОСКВА ЭКРАНИДА

Москвадаги «Тошкент» кинотеатрида «Ўзбекфильм» студияси ижодий коллективи томонидан тайёрланган «Қизилқум» кенг экранли рангли бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Бу фильм пойтахтнинг 40 дан ортиқ кинотеатрлари, маданият уйлари ва саройларида ҳам намойиш этилди. Афсонавий қаҳрамон Миркомил Миршаропов ҳаётига бағишланган «Қизилқум» фильмини москваликлар севиб қолишди.

Фильмга Акмал Акбарҳўжаев билан Али Ҳамроев режиссёрлик қилган. Бош ролларни Б. Бейшеналиев, Х. Умаров, Г. Исмоилова ва бошқалар ижро этишган.

Л. АПАРНИКОВ.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи мухбирлар университети тингловчиларининг навбатдаги машғулоти 20 май, чоршанба куни ўтказилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Г. 1647. ИНДЕКС — 64697. Р. 02527.